Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 19-iyul. Shanba ● 87 (31.834) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ

Халқимизнинг имон-эътиқод, меҳр-оқибат, хайру саховат, одамийлик, ҳамжиҳатлик сингари эзгу хислатлари маънавий ҳаётимизни юксалтиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилганлигини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида азалий урф-одат ва қадриятларимизни қайта тиклаш, муқаддас динимизни, азиз-авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, уларнинг қадамжоларини ободонлаштириш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Исо Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий мажмуалари, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом қадамжолари каби муқаддас масканларда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Бугунги кунда бундай обидалар юртимизнинг энг файзли ва табаррук гўшаларига айланди. Шулар қаторида Тошкент Ислом университети ташкил қилиниб, ушбу илм масканида талабаларнинг диний маърифат асосларини чуқур эгаллаши учун зарур шароитлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Бундай хайрли ва савобли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг кўҳна Минор мавзесида янги муҳташам масжид биноси барпо қилинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 18 июль куни ана шу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан яқиндан танишди.

Шу ўринда айтиш керакки, Юртбошимизнинг ғоя ва таклифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг азалий анъана ва услубларидан фойдаланган ҳолда ҳар жиҳатдан бетакрор, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда моҳир қурувчи ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида фикр билдирди, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ислом Каримов мазкур қадамжо атрофида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам синчиклаб кўздан кечирди. Ҳар бир дарахт, ҳар қайси майдон, фаввора ва йўлак шаҳарсозликнинг энг юксак талабларига уйғун бўлиши зарурлигини уқтирди.

Ҳозирги вақтда ушбу ҳудуддан оқиб ўтадиган Анҳор ва унинг атрофидаги жойлар ободонлаштирилиб, пойтахт қиёфасига алоҳида кўрк ва чирой бағишламоқда.

Бу ишларнинг барчаси шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг гўзалликдан баҳра олиб, мазмунли дам олишлари, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз бундай муқаддас жойларда аввало пок ният, соф интилиш билан иш олиб бориш, ҳар бир ғиштни қўйишда етти ўлчаб бир кесиш кераклигини, токи биз бунёд этган муҳташам иморатлар асрлар давомида авлодларимизга ҳайрат ва ғурур-ифтихор бағишлаб туриши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

ЎзА

МУНОСАБАТ

Истиқлолга эришган илк кунларимизни яхши эслайман. Ўша пайтлари мамлакатимизда ун ва нон тақчиллиги одамларни саросимага сола бошлаган эди, ҳар бир оилага одам сонига қараб маҳсулот тарқатилар, уни олиш учун ҳам кунлаб навбат кутардик.

Халқимизнинг ризқи ҳамиша бутун бўлсин!

Президентимиз табригида ўша кезлари мамлакатимизда бир ҳафта-ўн кунлик ун захираси қолгани айтилди. Бу маълумотга эътибор бериб, чуқурроқ ўйлаб кўрсак, нақадар оғир ва қалтис вазият юзага келганини англаймиз.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ Президентимиз ташаббуси, қатъий талаби билан амалга оширилган ишлар туфайли ғалла мустақиллигига эришдик. Қолоқ қишлоқ хўжалиги бошқарувидан воз кечилгандан сўнг, ер ўз эгасига — танти деҳқонга берилди. Ана шундай хайрли ишларнинг натижасида бугун Ўзбекистон халқи фаровон ва тўкин-сочинликда турмуш кечираяпти.

Президентимизнинг юртимиз ғаллакорларига йўллаган табриги Сурхон воҳасининг барча деҳқонлари қатори мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Жанубнинг иссиқ ва жазирамали қуёши тафтида қорайган барча танти ғаллакорларимиз юзида ўз меҳнати маҳсулидан қониқиш ва қувонч акс этди. Айниқса, дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп, лекин оғир синовларда тобланган, ўз фидойилиги ва матонати, чидамлилиги ва олижаноблиги билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларга тенг келадиган одамлар кам, деган фикр барча деҳқонларимизга янада кўтаринки кайфият, куч-ғайрат бағишлади.

Хўжалигимиз тумандаги илк хўжаликлардан ҳисобланади. Тўғри, дастлабки йилларда бироз қийинчиликларга дуч келдик. Яратиб берилган зарур имконият ва шароит туфайли бошқа кўплаб хўжаликлар сингари қаддимизни тикладик. Ҳозир 50 гектар ер майдонимиз бор. Ҳар йили шартнома режаларини ортиғи билан уддалаб келаяпмиз. Даромадимиз ҳам йил сайин ошаяпти, янги техникалар харид қилдик, жами 30 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Бу йил қарийб 25 гектар майдондаги ғалладан 148 тоннадан ортиқ сара буғдой олинди. Бу эса ҳар гектар майдондан ўртача 55-60 центнер ҳосил, деганидир. Режани тўлиқ бажардик, олинган ҳосилнинг маълум қисми ишчи-хизматчиларимизга тарқатилди.

Бугун биз юзимиз ёруғ бўлганидан хурсандмиз. Биз етиштирган буғдой унга, нонга айланиб, халқимиз дастурхонида турганини кўрсак, ғурурланамиз, меҳнатимиз роҳатини ҳис этамиз. Биз деҳқонлар, ғаллакорлар халқимиз ризқи доимо бутун бўлишини истаймиз. Шу мақсад йўлида меҳнат қилаётганимиздан фахрланамиз.

Шайдулло ҚУРБОНОВ,
Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Акбар» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП аъзоси.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

«Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш»

Термиз шаҳрида ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Сурхондарё вилоят партия кенгаши фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари иштирокида шу мавзуда семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда вилоятдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган устувор вазифаларни бажаришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарур. Чунки депутат ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхши билади.

— Партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари фаоллиги ошса, аввало, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш имкони кенгаяди, айни чоғда аҳолининг партияга ишончи ортади, — деди **Сурхондарё вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Чори Жумақулов.**

► *Давоми 2-бетда.*

Бизга қандай етакчилар керак?

ЎзХДП Қарши шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида фаоллар ўтган даврда амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилди, аниқ мисолларга таяниб фикр юритишди. Масалан, икки йил бурун шаҳардаги «Шайхали» маҳалласи вакиллари ҳудудда оилавий поликлиника барпо этиш масаласида Жамоатчилик қабулхонасига келишган эди.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Бобоназар Қулмуродов мурожаатни атрофлича ўрганди. Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Комила Каромовага мурожаат қилди. Масала Соғлиқни сақлаш вазирлиги даражасига олиб чиқилди.

► *Давоми 2-бетда.*

ЎзХДП ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш орқали аҳолининг бандлик даражаси ҳамда реал даромадларини ошириш тарафдоридир.

Соғлом авлод — соғлом келажак

Навбаҳор туманидаги Кескантерак ҚВПда бўлиб ўтган тадбирда 90 нафарга яқин хотин-қиз малакали шифокорлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича туманимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, партиямиз фаоли, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Бахтиёр Саидов.** — Ҳозир туман шифохоналарида яратилган шароит шаҳар тиббиёт масканларидан қолишмайди. Буларнинг ҳаммасини қишлоқ аҳолиси саломатлиги тўғрисида кўрсатилаётган ғамхўрликлар самараси, деб биламан.

Саида ИСРОИЛОВА,
ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши масъул ходими.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Сайлов ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланади

www.uzbekistonovozi.uz

Маҳаллий вакиллик органлари:

ваколат кенгайиб, масъулият ошмоқда

Дунё мамлакатлари тарихи, тажрибасидан маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу — ўзига хос мураккаб жараён. Айниқса, вакиллик органлари демократия тамойиллари асосида фаолият юритишига эришиш тизимли ислоҳотларни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг самарали фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий асос яратилди. Уларнинг конституциявий ҳуқуқлари Асосий қонунимизнинг «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» номли йигирма биринчи бобида мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бир неча қонун ва қонуности ҳужжатларида бу борада зарур нормалар белгиланди. Хусусан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир, деб белгиланган.

► *Давоми 2-бетда.*

Кейинги сонда:

Мавзу атрофида мулоҳаза ва таклиф

Фуқаролар ўзини ўйлантираётган масалалар юзасидан партия ташкилотига, депутатга мурожаат қилади. Хўш, улар қандай ҳал этилаяпти?

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов мазкур мавзу атрофида фикр юритиб, ўз таклифларини билдиради.

Ҳисобот даврида Жамоатчилик қабулхонасига 300га яқин мурожаат тушган бўлиб, шундан 70 фоизи ижобий ҳал қилинди

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бизга қандай етакчилар керак?

— Шаҳарда 6 та оилавий поликлиника аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда, — дейди **ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Рашид Муртазаев**. — Бироқ истиқболни ўйламасак бўлмайди. Айни пайтда Президентимизнинг Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарори асосида катта бунёдкорлик ишлари кетмоқда. Келгусида 11 қишлоқ шаҳарга қўшилади. Бугунги кунда Шайхали маҳалласида 17 минг аҳоли бўлса, кўп ўтмай 50-60 минг кишига етади. Шунинг учун бу маҳаллада 7-оилавий поликлиника ташкил этиш зарурати туғилмоқда.

Умуман, ҳисобот даврида Жамоатчилик қабулхонасига 300га яқин мурожаат тушган бўлса, шундан 70 фоизи ижобий ҳал қилинди. Одамлар ўзларини ташвишга солаётган айрим муаммо ва қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам сўраб келади. Агар бефарқлик қилсак, партиямизга нисбатан одамларнинг ишончи сусаяди.

Шаҳримизда капитал қурилишлар ривожланиб бормоқда. Ўз навбатида фаолларимиз, депутатларимиз тараққиёт режаларини амалга оширишда фаол иштирок этишга интилмоқда. Айни пайтда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳида 16 нафар депутатимиз фаолият олиб бормоқда. Партия Дастуридан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалаларни доимий комиссиялар йиғилишлари, сессияларга олиб чиқишмоқда. Мисол учун, «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун ижросини икки ой давомида ўргандик. Чунки шаҳарда 62 маҳалла бўлиб, уларда 248 минг аҳоли яшайди. Таҳлил натижаларига кўра, ҳар куни ўртача 350-370 тоннагача чиқинди тўпланади. Уларни ташиб чиқиш, зарарсизлантириш борасидаги айрим муаммолар ўрганилиб, шаҳар Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди. Депутатларимиз томонидан унинг бажарилиши назоратга олинган.

Шаҳарда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида ҳам муаммолар вужудга келган эди. Бу масалани ҳам ўргандик. Маълум бўлишича жами 24 уюшма тузилган бўлиб, аҳолига 40 йўналиш бўйича 1014 та транспорт воситаси хизмат кўрсатмоқда. Шундан 65 таси «ISUZU» русумли автобуслар. Аммо автобуслар қатновида камчиликлар борлиги аниқланиб, уларни тузатиш бўйича сессия қарори қабул қилиниб, ижроси бўйича тегишли ташкилотлар масъулияти оширилмоқда.

Сессияда кўтарилган масалалардан яна бири «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Имконияти чекланган болаларни ўқитиш ва уларга яратилган шароитларнинг аҳволи тўғрисида» эди. Кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя тарафдори бўлган партиямиз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда бу ташаббус муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, партия гуруҳи томонидан Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан мониторинг ўтказиб борилмоқда. Масалан, 2013 йилда шаҳарда жами 8709 иш ўрни яратилган. Касб-ҳунар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Шаҳарда 7 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Партия етакчилари, депутатларимиз бу тадбирларда фаол иштирок этиш баробарида, тузилган уч томонлама шартномалар ижросини ҳам назорат қилиб боришмоқда.

Рашид Муртазаев партия ҳисобот-сайлов конференциясидаги маърузасида партия ҳаётидаги бошқа масалаларга ҳам эътибор қаратди. Хусусан, ўтган даврда 5 пленум, 20 ижроия қўмита йиғилиши ўтказилиб, уларда 100дан ортиқ масала кўриб чиқилган. Ўтган ҳисобот-сайловларда 39 бошланғич ташкилотга янги етакчи сайланган. Айни пайтда 150 бошланғич ташкилотга 3000дан зиёд партия аъзоси бирлашган. Бўстон, Чақар, Рогузар, Самарқанд маҳаллаларидаги ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари фаолияти кундан-кунга фаоллашиб бормоқда.

Шунингдек, конференцияда **шаҳардаги 21-мактаб директори, партия фаоли Ораста Тошева** сўзга чиқиб, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги вазифалар ҳақида тўхталаркан, айниқса, ёшларда мустақил фикрни шакллантиришнинг аҳамиятига эътибор қаратди.

Музокарада қатнашган вилоят кардиология диспансери бош шифокори Шоира Сафарова, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вилоятдаги вакили Муродулло Нормуродов, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Гулчеҳра Шукурова ва бошқалар кун тартибидаги масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Яшин РАСУЛОВ,
меҳнат фахрийси:

— Мен бирор бир сиёсий партияга аъзо эмасман. Аммо ҳамиша ЎзХДП ғоялари, ишларини қўллаб-қувватлаб келаман. Партия ташкилотининг конференциясида яна бир бор амин бўлдимки, унинг хайрли ишлари жуда кўп. Партия жамиятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар манфаати учун курашиб келмоқда. Бу жуда савобли иш, бозор иқтисодиёти шароитида жуда муҳим иш.

Дилмурод НУРМАТОВ,
Кунчиқар маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Шаҳар партия ташкилоти ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бирор бир масала ечимида қийинчилик туғилса маслаҳатга борамиз, бирга-ликда тадбирлар, аҳоли билан учрашувлар ўтказамиз. Бу ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик, кенгашиб ишлаш бугуннинг талаби эканлигини ушбу конференцияда яна бир бор англадик...

Ҳисобот-сайлов конференцияси ана шу тарзда қизғин ўтди. Унинг ишида барча туман партия кенгашлари раислари, партия гуруҳлари раҳбарлари иштирок этди.

Кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахритдин Ражабов қатнашди ва фракция билан партия гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Йирик вилоят маркази бўлган Қарши шаҳар партия ташкилоти раҳбари қандай бўлиши керак? Умуман, партия етакчиси бугун қандай ишлаши лозим? Бу саволларга конференцияда атрофлича жавоб берилди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎзХДП ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Сайловчи ишончи — катта масъулият

*— Биз яшайдиган 22-уй таъмирталаб бўлиб қолганди, — дейди **Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Насиба Ризаева.** — Ёғин-сочин мавсумида бино томидан чакки ўтарди. Юқори қаватда яшовчиларнинг аҳволи танг эди. Бунинг устига ертўладан зах ҳиди кўтарилиб, атрофни тутиб кетарди. Бизга «Сифат-коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатар эди. Уйнинг аҳволидан бир неча марта ширкат раҳбарини хабардор этдик. У турли важлар кўрсатиб, шикоятимизни эътиборсиз қолдирди. Сўнг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Муқаддас Раҳматуллаевага мурожаат этдик. Унинг депутатлик сўрови асосида мутасадди ташкилотлар томонидан тўрт қаватли уй ертўласининг ҳолати яхшиланди.*

Бино томини тузатиш ишлари ширкатга юклатилди. Ҳозирда у таъмирдан чиқарилган. Бинонинг санитар аҳволини доимо назорат қилиб туриш мақсадида туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази билан шартнома тузилди.

47-Гулобод сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муқаддас Раҳматуллаева шу каби кўплаб ҳолатлар юзасидан давлат идоралари ва масъул ташкилотларга мурожаат билан чиқиб, муаммоларни бартараф этишда ташаббус кўрсатиб келмоқда.

Ўтган йили у масъул ташкилот ва давлат идораларига 13 та депутатлик сўрови юбориб, одамларни ўйлантираётган муаммолар бартараф этилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 27 нафар фуқаро мурожаатларида кўтарилган масалаларнинг ҳал этилишига амалий ёрдам кўрсатди.

— Сайловда аҳоли бизга катта ишонч билдириб, қўллаб-қувватлаган, — дейди **Муқаддас Раҳматуллаева**. — Демак, улар биздан ёрдам, амалий иш кутади. Биз бу ишончни оқлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаёти фаровон бўлишига кўмаклашишга масъулмиз.

Шу мақсадда ҳар ҳафта фуқаролар билан учрашаман, муаммолари ва таклифларини эшитаман.

Яқинда «Новза» маҳалласи фуқароларидан шикоят хати тушди. Унда қайд этилишича, Самарқанд дарвоза кўчасида автомобилларнинг тартибсиз ҳаракати оқибатида пиёдалар, айниқса, 54-мактаб ҳамда Тошкент меҳмонхона ва сервис коллежи ўқувчилари учун ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муаммолар туғилаётган экан. Йўл ёқасида болалар майдончасининг борлигини ҳисобга олсак, масалани ҳал этиш янада долзарб аҳамиятга эгалиги маълум бўлади. Бу ердаги вазиятни чуқур ўрганиб чиқиб, шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига қилган мурожаатим эътиборсиз қолмади. Самарқанд дарвоза кўчасида ҳаракатни тартибга солиш мақсадида йўл чироқлари ва белгилар ўрнатилди. Шунингдек, бу йўлларда доимий рейд ўтказиб туриладиган бўлди.

ЎзХДП дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис мазкур масала ҳам депутатнинг доимий назоратида туради. Яқинда депутат 7 нафар ёш тиббиёт мутахассиси ишга жойлашишига ёрдам кўрсатди.

— Тиббиёт коллежини тамомлагач, иш топишда қатор муаммоларга дуч келдим, — дейди **Дилафруз Зайниддинова**. — Қўни-қўшниларимнинг тавсияси билан депутат Муқаддас Раҳматуллаевага мурожаат этдим. Унинг ёрдами билан турар жойимга яқин ҳудудда жойлашган поликлиникага умумий амалиёт ҳамшираси бўлиб ишга кирдим.

— Депутатлик фаолияти кишидан тиниб-тинчимасликни, ўзига нисбатан ўта талабчанликни тақозо этади, — дейди **Муқаддас Раҳматуллаева.** — Ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар талайгина. Айрим бошланғич партия ташкилотлари билан алоқамиз етарли даражада мустаҳкамланмаган. Бошланғич партия ташкилотларида сиёсий ўқувлар, ранг-баранг тадбирлар ўтказиш, жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиш навбатдаги вазифаларимиздан ҳисобланади. Депутат одамлар орасида бўлиши, уларнинг манфаати учун елиб-югуриши керак. Шунда муваффақиятга эришади, обрў-эътибор қозонади.

Наргиза ҲУСАНОВА

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

«Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш»

— Жорий йилнинг ўтган даврида бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ҳаракат дастурига асосан 3 та масала партия гуруҳи, 2 та масала доимий комиссия ҳамда 3 та масала сессияда кўриб чиқилди. Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги 218 нафар депутат томонидан тегишли ташкилотларга 79 депутатлик сўрови юборилди. Жамоатчилик қабулхоналарига 181 мурожаат тушган бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Аммо биз бу билан чекланиб қолмай, аҳолини ўйлантираётган масалаларни янада чуқурроқ ўрганишимиз, уларни ҳал этишга ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан жойларда бўлиб, партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти билан яқиндан танишдик, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов.** — Айниқса, Сариосиё туман партия кенгаши олиб бораётган ишлар эътиборга сазовор. Аммо айрим туман партия кенгашлари ва депутатлар фаолиятини кучайтириш талаб этилади. Чунки шундай ҳудудлар борки, электоратни ўйлантираётган муаммолар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ҳудудларда аҳолини қийнаётган масалаларни сессияларга киритиш долзарблигича қолмоқда. Фаоллар ва депутатлар бу камчиликларга алоҳида эътибор қаратиб, ечим топишга ҳаракат қилиши зарур.

— Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги вазифаларни ҳал этиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларнинг назорат функцияларини мустаҳкамлаш, партия гуруҳларининг таъсирини оширишда мазкур йўналишдаги семинар-тренинг ўтказилиши айни муддао бўлди, — деди **Термиз туман партия кенгаши раиси Тўрабек Зоиров.** — Унда эришилган ютуқлар қаторида йўл қўйилган камчиликлар ҳам рўйрост айтилаётгани партия ташкилотлари ва гуруҳларининг масъулиятини янада оширмоқда. Тўғри, амалий ишларимиз жуда кўп, лекин камчиликлар ҳам етарли. Уларни бартараф этиш учун партия кенгаши ва депутат ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик бўлиши керак, деб ўйлайман. Партия ташкилоти ва депутат ҳамжиҳатликда ишласа, олдимизда турган вазифалар самарали бажарилади.

Семинар сўнгида партия дастурида кўзда тутилган ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга оид таклифлар ишлаб чиқилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Маҳаллий вакиллик органлари: *ваколат кенгайиб, масъулият ошмоқда*

Таъкидлаш керак, айни пайтда Олий Мажлис Сенати комиссия ва қўмиталари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ишини янада яхшилаш мақсадида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Хусусан, Сенатда Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия тузилган. Унинг асосий вазифалари минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш механизмини такомиллаштириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ваколатларини рўёбга чиқаришда уларга амалий ва услубий ёрдам бериш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, доимий комиссиялар раҳбарларининг фаолияти самарали ташкил этилиши учун масъулиятини ошириш ҳисобланади.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарори билан «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти» ва «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссияси тўғрисидаги намунавий низом» тасдиқланган.

Бугунги кунда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг фаолиятини янада жонлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига партияларнинг таъсирини ошириш даркорлигини таъкидлаган. Дарҳақиқат, сессия муҳокамасига киритилаётган муҳим аҳамиятга эга масалаларни тайёрлашда сиёсий партияларнинг гуруҳлари фаоллигини янада ошириш зарур.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, халқ депутатлари Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Ўтказиладиган сессияларда маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг у ёки бу масала юзасидан ҳисоботларини муҳокама қилиб бориш амалиётидан кенг фойдаланишга эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, халқ депутатлари Кенгаши сессияга киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун ўз ваколатлари муддатига жамоатчилик асосида фаолиятни амалга оширувчи доимий ва муваққат комиссиялар тузиши мумкин. Доимий комиссиялар тегишли Кенгаш қарорларини ва қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш ҳуқуқига эга. Қайд этиш керак, доимий комиссиялар ўз фаолиятини мажлис шаклида амалга оширади ва уларнинг мажлислари, қоида тариқасида, ойда камида бир марта ўтказилади. Доимий комиссиялар йиллик иш режаларини ишлаб чиқишда мажлисларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши масаласини ҳисобга олишлари керак.

Шунингдек, доимий комиссиялар ўз ҳужжатларини расмийлаштиришда, иш режаларини шакллантиришда ва ишлаб чиқишда «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий Низом» талабларига риоя қилишлари муҳим ҳисобланади. Чунки ушбу Низомда доимий комиссияларни шакллантириш ва ишини ташкил қилиш тартиби, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ваколатлари белгиланган. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгашлари сессияларига киритилаётган масалалар дастлабки тарзда доимий комиссиялар томонидан ҳар томонлама кўриб чиқилишига эътибор қаратиш ва доимий комиссиялар томонидан ўз қарорларини ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти янада самарали бўлишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, доимий комиссияларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги қарорларини маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

> Доимий комиссияларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги қарорларини маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органи ҳисобланган халқ депутатлари Кенгаши депутати ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиши маҳаллий ҳокимият вакиллик органи иш фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида депутатнинг ҳуқуқларидан бири сифатида депутат сўрови билан мурожаат этиш ҳуқуқи белгиланган. Депутат сўрови тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, депутат сўрови — бу депутатнинг тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби кўрсатилган мурожаати ҳисобланади. Албатта, энг муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишда депутатлик сўрови юбориш институтидан кенг фойдаланиш муаммолар ва уларнинг сабабларини чуқур ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг оммавий ахборот воситаларида доимий равишда чиқиши долзарб масаладир. Фикримизча, аҳолини Кенгашлар фаолияти, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиш, улар фаолиятида очиқлик ва ошкоралиги таъминлаш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурида ахборот хизматлари ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан ҳар соҳада кенг фойдаланилмоқда. Демак, Кенгашларнинг интернет тармоғидаги веб-саҳифаларини янада жонлантириш, мавжуд бўлмаганларини эса ташкил қилиш давр талабидир.

Мухтасар қилиб айтганда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида маҳаллий ижро ҳокимияти ҳисоботларини, ахборотларини муҳокама қилиб бориш, доимий комиссиялар фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш маҳаллий вакиллик органларининг жамият ҳаётига таъсирини оширишга хизмат қилади.

Давронбек ОЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мустақил юрт ғалласи — обод турмуш ва фаровонлик гарови

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида айтилган фикрлар, келтирилган маълумотлар барчамизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотди, ўтган кунларни яна бир бор ёдга олиб, бугунги имкониятлар билан таққослашга, ўйлаб, хулоса чиқаришга даъват этди.

Юртимизда таъминланаётган тинчлик ва осойишталик туфайли деҳқон ва фермерларимиз, барча дала меҳнаткашларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига бунёд этилган 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони ҳар қанча мақтовга, эътирофга муносиб, албатта. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор мана шундай мисли кўрилмаган кўрсатгич амалда қайд этилди. Бу миллий иқтисодиётимизга қўшилган улкан ҳисса, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашдаги яна бир улкан қадамдир. Бу дастурхонларимиз тўкинлиги оилаларимиз хотиржамлиги, обод турмуш ва фаровонлик гаровидир...

Ўзбекистон эндигина мустақилликка эришган ўтган асрнинг 90-йиллар бошларида республикамиз олдида жуда кўп муаммолар кўндаланг турарди. Энг муҳим масалалардан бири — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдан иборат эди. Маълумки, Собиқ Иттифоқнинг пахта базасига айланиб қолган Ўзбекистонга кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа жойлардан олиб келинар эди. Ана шундай бир шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ўзимизда етиштиришни йўлга қўйиш бошқа мамлакатларга нафақат иқтисодий қарам бўлиб қолмаслик, балки сиёсий мустақилликни таъминловчи муҳим омиллардан бири эди.

Бундан 23 йил олдин 21 миллиондан зиёд аҳолимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган 5 миллион тоннага яқин ғалла четдан келтирилар эди. Собиқ марказ бизнинг тонна-тонна пахтамиз эвазига ғаллани юбориб турар эди. Иттифоқ таназзулга юз тутгач, ана шу ғаллани четдан ўзимиз сотиб олишимизга тўғри келди. Бунинг учун, биринчи навбатда валюта керак эди. Баъзи ғалла сотувчи давлатлар эса ўзларининг сиёсий манфаатларини ҳам орага тиқиштиришга уринарди. Қолаверса, сотиб олинган ғаллани юртимизга етказиб келиш учун катта миқдорда йўл харажатлари ҳам талаб қилинар эди. Ана шундай бир мураккаб шароитда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳукумат озиқ-овқат таъминотида узилишлар юз бермаслиги учун барча чора-тадбирларни кўрди. Мамлакат аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон билан таъминлаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилди. Уни босқичма-босқич амалга ошириб борилиши натижасида биринчидан, аҳолини кафолатланган тарзда дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришилди, четдан ғалла олиб келиш учун сарфланадиган валюта тежаб қолинди. Иккинчидан, деҳқонларимиз учун янги-янги иш жойлари ва қўшимча даромад манбаи яратилди, учинчидан, пахта майдонлари қисқартирилиб, бу майдонларга ғалла экилиши ҳисобига экинларни алмашлаб экиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш имконияти яратилди.

Шунингдек, ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш ҳисобига сабзавот етиштириш ҳажми кўпайди ва бу ҳам деҳқонларга қўшимча даромад олиб келиш имконини берди.

Энг муҳими, дон ва дон маҳсулотлари бўйича ўзга давлатларга қарамликдан қутилдик. Ўзбекистон ғалла мустақиллигига узил-кесил эришди. Бугунги кунда 31 миллиондан ортиқ аҳолимизни ўз донимиз ва ўз беминнат нонимиз билан таъминламоқдамиз. Сифатли дон маҳсулотларини қўшни давлатларга экспорт ҳам қилмоқдамиз.

Шу ўринда яна бир масалани алоҳида таъкидлаш лозим. Республикамизда етиштирилган жами дон ҳосилининг, агар 2013 йилда қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилган бўлса, бу йил Президентимиз табригида таъкидланганидек, ғалла ҳосилининг 5 миллион 117 минг тоннаси, яъни 60 фоизи деҳқон ва фермерларимиз, аҳолимиз ихтиёрида қолдирилди. Бу деҳқонларимиз, фермерларимиз омборлари донга, рўзғорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатларидан катта манфаат кўраётгани, машаққатли меҳнати муносиб қадр топаётганининг ёрқин тасдиғидир.

Бу йил барпо этилган улкан ғалла хирмонини ўтган асрнинг 90-йилларидаги ҳолат билан қиёслаб кўрадиган бўлсак, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тарихан қисқа тараққиёт даврида тасаввур қилишнинг ўзи қийин бўлган буюк йўлни босиб ўтгани, эришилган ютуқлар юртимиз учун нақадар қадрли эканини чуқур англаш мумкин.

Шариф ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари илмий-методик кенгаши раиси,
доцент, иқтисод фанлари номзоди.

Дунё

Инсулиннинг янги тури

сотувга чиқарилади

Америка соғлиқни сақлаш тизими қандли диабетнинг 1- ёки 2-тоифасига чалинган беморларни даволаш учун янги инсулиндан фойдаланишга расмий рухсат берди. «Afrezza» деб номланган мазкур дори воситаси ингалятор кўринишида бўлиб, тез ва юқори таъсир кучига эга. Уни овқатланиш пайтида ва овқатдан кейин қабул қилиш мумкин.

«MannKind Corporation» корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган ушбу ингаляция (буғ ёки газ ҳолидаги шифобахш нарсалар билан нафас олдириб даволаш) воситасини бундан бир неча йиллар аввал сотувга чиқариш режаланган эди. Аммо корпорация олимлари уни янада мукаммаллаштириш, қўшимчалар билан бойитиш ва синовдан қайта-қайта ўтказишни маъқул кўрди. Ниҳоят АҚШ ва Европа ҳудудида сотувга чиқариладиган бўлди.

Дарвоқе, унинг ножўя таъсири ҳам борлигини эслатиб ўтиш лозим, дейилади «WebMD» нашри хабарида. Астма билан оғриганларга, организмида углевод алмашинуви бузилган кашанда-диабетларга бу ингалятор тавсия этилмайди.

Тамаки маҳсулотлари рекламаси

бутунлай тақиқланиши мумкин

Германияда тамаки маҳсулотлари рекламаси бутунлай тақиқланиши мумкинлиги ҳақида ГФР ҳукуматининг наркотик моддаларига қарши кураш бўйича вакили Марлен Мортлер «Deutsche Welle» мухбирига берган интервьюсида алоҳида таъкидлади.

Ҳукумат мазкур масалани шу йилнинг ўзида кўриб чиқишни режаламоқда.

Аввалги таркибдаги ҳукумат ҳам тамаки маҳсулотлари рекламасини бутунлай тақиқлаш ташаббуси билан чиққанди. Бироқ Иқтисодиёт вазирлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватламагани мазкур чора қабул қилинишига тўсқинлик қилди.

Айни пайтда Германия телевиденеси ва даврий нашрларида тамаки маҳсулотлари рекламаси тақиқланган. Бироқ сигарет қутиси ва ундан чиқиб турган сигареталар тасвири туширилган улкан плакатлар кўчаларда осилиб турибди, соат кечки 18 дан кейин эса кинотеатрларда кино намойиши пайтида реклама қилинмоқда.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Германияда 19 миллионга яқин киши сигарет чекади. Бир нафар кашанда йилига ўрта ҳисобда сигаретнинг ўзига минг евро миқдорида маблағ сарфлайди. Мамлакатда чекиш оқибатида келиб чиқадиган хасталик оқибатида йилига 140 минг киши ҳаётдан кўз юмади.

Кашандаларнинг соғлиғи билан боғлиқ муаммоларга дуч келгани сабабли эрта нафақага чиқиши натижасида мамлакат бюджетидан йилига 20 миллиард евродан ортиқ миқдорда маблағ сарфланади.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

ТУРКИЯ ПАРЛАМЕНТИ:

Ҳаёт ҳақиқатига асосланган ғоялар

ҳар доим қўллаб-қувватланади

Туркия парламенти — Буюк Миллат Мажлисида тўрт йил муддатга сайланадиган 550 депутат фаолият юритади. Бир палатали парламентга сўнгги сайловларда 27 партия ўзаро кураш олиб борди. Сайловлар 85 округда бўлиб ўтди. Парламентга кириш учун сиёсий партия сайловчилар умумий овозининг 10 фоизидан кўпроғини қўлга киритиши лозим.

Туркияда ҳар бир сиёсий партия мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш бўйича ўзининг аниқ дастурий йўналишларига эга. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, ёшларга алоҳида эътибор қаратиш ғояларини илгари сурувчи Республика Халқ партияси мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутади.

Республика Халқ партиясининг илдизи ўтган асрнинг 20-йилларига бориб тақалади. Мустафо Камол Отатурк бу партиянинг асосчиси ҳисобланади. Партия 1923 йилнинг 9 сентябрида расман ташкил этилади. Партия ташаббуси билан ўша йилнинг 29 октябрида Туркияга Республика мақоми берилади. 1924 йилдан ташкилот Республика Халқ партияси номи билан атала бошланади ҳамда 1950 йилга қадар Туркиядаги ягона сиёсий партия бўлиб қолди.

Республика Халқ партияси дастурида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бош масала сифатида қайд этилган. Унда келтирилишича, қашшоқлик ва очликка йўл қўйилмайди ва кишилар бандлиги, албатта, таъминланади. Одамлар ўртасида ижтимоий хайрихоҳлик шакллантирилади. Ёрдамга муҳтож кишиларнинг муаммолари ўрганилади ва ижобий ҳал этилади.

Республика Халқ партияси Туркияда демократиянинг қарор топиши, таъбир жоиз бўлса, секин-аста ўсиб-унишида, миллий давлатчилик асослари мустаҳкамланишида тарихий ҳисса қўшди. Мутахассислар фикрича, бу партия ўзида социал, яъни ижтимоий демократиянинг барча принципларини мужассамлаштирган. Партия Халқаро социал-демократик нодавлат ташкилотининг аъзоси ҳисобланади.

Туркия парламентига 2011 йилда бўлиб ўтган охирги сайловда Республика Халқ партияси 11 миллиондан ортиқ сайловчи овозини (25,91 фоиз) тўплаб, 550 ўриндан 135 тасини забт этди. Гарчи партия Адолат ва Тараққиёт партиясидан кейинги ўринни қўлга киритган бўлса-да, бу кўрсаткич олдинги сайловга қараганда 23 ўринга кўп бўлди. Айрим кузатувчи ва таҳлилчиларнинг хулосасига кўра, Туркияда социал демократия ғоялари тарафдорлари борган сари ортмоқда.

Консерватив ғоялар тарафдори бўлмиш Адолат ва Тараққиёт партияси парламент сайловида 326 ўрин билан етакчилик қилган бўлсада, бу натижа ўтган галги сайлов натижаларидан 15 ўринга камайган. Нега шундай бўлди, деган саволга маҳаллий экспертлар фуқаролар ўртасида Республика Халқ партиясига ишонч кучайиб бораётганини кўрсатишмоқда.

Партиянинг Дастури мамлакатдаги ислоҳотларни пухта ўйлаб, босқичма-босқич юритишга, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олишга қаратилган. Социал демократия ғоялари жозибадорлигининг асоси ана шунда кўринмоқда. Сўнгги пайтларда партиянинг нафақа ва пенсия ислоҳотларини чуқурлаштириш юзасидан олға сураётган масалалари қўллаб-қувватланиб, юқори эътирофга сазовор бўлаётир.

Асосан икки сиёсий партия ҳақида тўхталаётганимизнинг боиси бу партиялар Туркия ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Сиёсий рақобат кўпроқ ана шу партиялар ўртасида кечмоқда. Эътиборли томони шундаки, партиялараро мунозаралар нафақат сайловолди жараёнларида, балки мунтазам равишда давом этади. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ долзарб масалаларда-ги хилма-хил ёндашувлар партиялар етакчилари томонидан ўртага ташланади. Бу жараён оммавий ахборот воситаларида мунтазам акс этади.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги вақтда сиёсий партиялар етакчилари алоҳида мавзуга айланиб бормоқда. Хулосаларга кўра, партия дастури, ғоялари қанчалик жозибадор бўлмасин, одамлар овоз беришда кўпроқ етакчининг бошчилик қобилиятини, халқнинг кўнгли ва кайфиятини қай даражада тушуна олишини, билими ва зеҳн-заковатини ҳисобга олар экан. Туркияда партиялар ўз етакчиларини сайлашда ҳамма нарсадан олдин ана шу мезонларга эътибор қаратаётир.

Партияларнинг етакчилари асосли хулосалар билан мухолифларини мамлакат келажаги, халқ тақдирига дахлдор масалаларда амалий ишларга чақириб келади. Республика Халқ партиясининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, бу партия ҳукуматни халқ шикоятларини ўрганишга, берилган ваъдалар устидан чиқишга ундаб келади.

Охирги парламент сайловида, шунингдек, Халқ ҳаракати, Халқ овози, Демократия ва Тинчлик, Буюк бирлик партиялари ҳам бошқа партияларга нисбатан юқори кўрсаткичларни қўлга киритган.

Бу мамлакат парламентида тарози палласи гоҳ у, гоҳ бошқа партия ёки яна бир сиёсий иттифоқ томонга оғиб туради. Лекин бу ҳолат демократиянинг умумий характери ва мувозанатига асло салбий таъсир ўтказмайди. Чунки ҳар бир партия ўз ғоясини илгари сурар экан, аввало, мамлакат тараққиётини, халқ фаровонлигини ўйлайди.

Сарвар РАҲИМОВ

РЕКЛАМА

«Сирғали деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига

2014 йил 29 июль куни соат 11:00 да «Сирғали деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

Манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергили кўчаси. Сергели-6, «Сирғали деҳқон бозори» маъмурий биноси, 2-қават.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 дан 11:00 гача амалга оширилади.

КУН ТАРТИБИ:

1.Жамият номини Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунига мувофиқлаштириш.

2.Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

3.Жамиятнинг эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларига ўзгартириш киритиш.

4.Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

5.Жамият (ёки унинг шўъба корхонаси)га олиниши режалаштирилган кредит.

Акциядорлар йиғилишга паспорт ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахслар ишончнома билан келишлари шарт.

Маълумот учун телефон: 251-26-47.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди биносини капитал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 325,833 млн. сўм, ҚҚС билан 391,0 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2014 йил 30 ноябргача.

Ишларни молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри, «Ўратепалик» маҳалласи.

Телефон: (8372) 226-26-53, 226-31-75.

Диққат! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қуйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотларнинг иштирок этишига рухсат берилади.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх **преференциялари** кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, «Ўратепалик» маҳалласи, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси мажлислар зали.

Хизматлар лицензияланган.

Мундиалда Ўзбекистон ҳакамларига, Ўзбекистон фарзандларига ҳаммадан кўп ишонч билдирилди

ИФТИХОР

Равшан ЭРМАТОВ:

«Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон номидан майдонга чиқдик»

Футбол бўйича Бразилияда ўтказилган XX жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов тўртта, мундиаллар тарихида эса жами тўққизта учрашувни бошқариб, ўзига хос рекорд ўрнатди.

Куни кеча Осиёнинг тўрт карра «Энг яхши ҳаками» номинацияси ғолиби, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Равшан Эрматов мундиалдан мамлакатимизга қайтиб келди. Таниқли рефери билан мусобақа таассуротлари хусусида суҳбатлашдик.

— Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионати ёзги Олимпия ўйинларидан кейинги ўринда туради, деб бемалол айтиш мумкин, — дейди **Равшан ЭРМАТОВ.** — Биз ФИФА лайнсменлари Абдуҳамидулло Расулов ҳамда Баҳодир Кўчқоров (Қирғизистон) билан бирга чемпионат бошланишидан ўн кун олдин Бразилияга етиб бордик. Мусобақада ўттиз икки давлат терма жамоалари иштирок этса, учрашувларни бошқариш учун таклиф этилган жами 47 та ҳакамлик гуруҳларининг 15 таси ушбу мусобақага йўлланмани қўлга кирита олмаган юрт вакиллари эди. Аввалига мамлакатимиз футболчиларига саралаш учрашувларида омад кулиб боқмаганлиги бироз дилимизни ғаш қилган бўлсада, ҳакамлар гуруҳимизнинг ЎЗБЕКИСТОН номидан улкан спорт байрамида қатнашиши кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдирарди.

— **Ўзбекистонлик мухлисларнинг аксарияти бу чемпионат сиз финал учрашувини бошқаришингизни кутишганди...**

— Жаҳон чемпионатида жами 64 та учрашув ўтказилди. Бу ўйинларга швейцариялик таниқли мутахассис Массимо Бузакка раҳбарлигидаги ФИФАнинг Ҳакамлар департаменти томонидан ҳакамлар тайинланди. Мусобақага терма жамоалар нечоғли жиддий машғулотлар орқали ҳозирлик кўришган бўлса, ФИФА рефери ва лайнсменлари ҳам улардан кам тайёрланганги йўқ. ФИФА томонидан жорий этилган махсус дастур асосида кунига икки маҳалдан машғулотларда қатнащдик. Назарий машғулотлар чоғида астойдил тер тўкишимизга тўғри келди. Чунки ўйинларда ҳакамларнинг моҳирона ва холис фаолият кўрсатиши нафақат уларга ижобий баҳо беришда, балки учрашувларнинг янада мафтункор ва томошабоп ўтишида алоҳида ўрин тутарди.

ФИФА чемпионат давомида ҳакам қайси қитъа вакили эканига эмас, қандай маҳоратга эгалигига кўпроқ эътибор қаратди. Чемпионат давомида бизга тўртта учрашувнинг ишониб топширилганлиги зиммамизга юклатилган масъулиятни ошириш билан биргаликда ўзимизга бўлган ишончни янада оширди. Аслида бундай мусобақада ҳар бир учрашув аҳамияти жиҳатидан финалга тенг. Ундаги ягона хато фаолиятингга нуқта қўйиши мумкинлигини ҳам эсдан чиқазмаслик лозим. Буни Мексика — Камерун терма жамоалари баҳсида ишлаган лайнсменнинг йўл қўйган қўпол хатолари мисолида кўрсатиш мумкин.

Шу боис биз учун дебют ёки финал учрашувига тайинланиш эмас, ҳар бир ўйинни холис ва адолатли бошқариш муҳим эди.

Бразилия. XX Жаҳон чемпионати

Жаҳон чемпионати охирида бутун дунё «Ўзбекистонлик ҳакамлар финалга муносиб!» деган фикрни билдирди. Буни тан олди. Гарчи финал бизга насиб қилмаган бўлса-да, мана шу эътирофнинг ўзи биз учун катта ютуқ!

— **«Плей-офф» босқичининг Голландия — Коста-Рика терма жамоалари баҳсида голландияликлар етакчиси Роббен кўпгина вазиятларда Сиз билан мулоқотга киришгандек кўринди. Сир бўлмаса, у билан нималарни гаплашдингиз?**

— Биласиз, футбол — ҳиссиётларга тўла ўйин. Шу боис ҳар бир ўйиндан олдин ўз гуруҳимдаги лайнсменлар билан биргаликда ўтириб, ўзимиз бошқарадиган баҳсдаги жамоаларнинг аввалги учрашувлари ёзилган видео тасмаларни кўриб чиқамиз. Бу эса майдонга тушадиган ўйинчилар ҳақида олдиндан маълум тасаввурга эга бўлишимизда жуда қўл келади. Жумладан, Голландия — Коста-Рика учрашуви олдидан айрим мутахассислар Роббеннинг аввалги ўйинларда «симуляция» ишлатганликда айблашганди. Биз бу жамоаларни тўлиқ ўрганган ҳолда майдонга чиқдик. Голландиялик футболчи эса бир неча бор ёнимга келиб, ҳаддан ташқари қаттиққўллик билан учрашувни бошқараётганимга шаъма қилди. Мен эса унга майдонда ҳар ким фақат ўз ишини қилиши лозимлигини билдирдим...

— **Гарчи Сиз финал учрашувини бошқармаган бўлсангиз-да, мундиалда энг кўп — 9 та ўйинда ҳакамлик қилган мутахассис сифатида тарихга кирдингиз. Ана шу лаҳзаларда кўнглингиздан қандай ўй-фикрлар ўтди?**

— Агар ўз ишингни сидқидилдан бажарсанг ва қаттиқ меҳнат қилсанг, энг яхшилардан бири бўлиш учун ҳамиша имконият бўлади. Биз Бразилия сафари олдидан мусобақада ҳеч бўлмаса битта учрашувни бошқариб, Ватанимиз номини шу жаҳон чемпионати тарихига ёздириб қўйишни ният қилган эдик. Худога шукрки, унда бир эмас, тўртта ўйинни бошқардик. Мундиал тарихидаги ўйинларимиз сонини тўққизтага етказиб рекорд ўрнатдик. Бу дегани Ўзбекистон ҳакамларига, Ўзбекистон фарзандларига ҳаммадан кўп ишонч билдирилди. Биз ҳар бир ўйинга чиқаётганимизда Ватанимиз шаъни, обрў-эътиборини ўйлаб, шу йўлда бор куч-маҳоратимизни ишга солишга ҳаракат қилдик. Бунга бутун дунё футбол мухлислари ва мутахассислари гувоҳ бўлди. Жаҳон чемпионати охирида бутун дунё **«Ўзбекистонлик ҳакамлар финалга муносиб!»** деган фикрни билдирди. Буни тан олди. Гарчи финал бизга насиб қилмаган бўлса-да, мана шу эътирофнинг ўзи биз учун катта ютуқ!

Бу эса бизни ўз устимизда янада кўпроқ ишлашга ва навбатдаги жаҳон чемпионатида ўз орзуимиз сари ҳаракат қилишга ундайди. Фурсатдан фойдаланиб, бизни тарбиялаб вояга етказган ва мана шу даражага етишишимиз учун барча шарт-шароитларни яратиб берган Ўзбекистон халқига, Президентимизга, мамлакатимиз футбол федерацияси ва албатта, мухлисларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.

Бокс

Халқаро турнирда 8 медаль

Сербияда бокс бўйича ёшлар ўртасида «Воеводиннинг олтин қўлқоплари» анъанавий халқаро турнири ўтказилди. Ўттиз иккинчи маротаба ташкил этилган мазкур мусобақада дунёнинг 24 давлати вакиллари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Ушбу мусобақада мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Марат Қурбонов 11 нафар спортчини олиб кетган эди. Уларнинг саккиз нафари совриндорлар сафидан жой олди.

Боксчиларимиздан Абдулҳай Шораҳматов (-56 кг) ва Козимбек Мардонов (-75 кг) ўз вазн тоифаларида барча рақибларидан устун келиб, олтин медалга сазовор бўлди. Сулаймон Латипов (-52 кг) ҳамда Маҳмуд Ғоипов (-69 кг) кумуш медаль билан тақдирланди. Бобирмирзо Толипов (-60 кг), Бектемир Меликўзиев (-75 кг), Обиджон Тоҳиров (-81 кг) ва Раҳматилла Ғофуров (+91 кг) ўз вазнида бронза медали соҳиби бўлди.

Футбол

ФИФА рейтингида юқори кўтарилдик

ФИФА миллий терма жамоаларнинг июль ойи учун янги рейтингини эълон қилди.

Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўтган ойга нисбатан 7 поғона кўтарилиб, 52-ўринда қайд этилди. Айни пайтда Миржалол Қосимов шогирдлари 523 очкога эга. Терма жамоамиз ҳозирда Осиёда учинчи ўринда турибди.

Қитъамиз жамоалари орасида ҳамон Япония терма жамоаси пешқадам. «Кунчиқар юрт» вакиллари 45-ўринда. Эрон терма жамоаси эса 49-ўринни эгаллаб турибди. Жанубий Корея 56-ўринда бормоқда. Австралия эса 76-ўринга тушиб кетди.

2015 йилда Австралияда ўтказиладиган Осиё Кубоги мусобақасида гуруҳдаги рақибларимизнинг ўринлари қуйидагича:

КҲДР — 147;
Хитой — 94;
Саудия Арабистони — 78.

Амалдаги жаҳон чемпиони Германия терма жамоаси ва ниҳоят биринчи ўринга чиқиб олди. Ундан кейинги ўринларни Аргентина ва Голландия терма жамоалари банд этган.

Шаҳбоз САИДОВ, ЎзМУ талабаси.

Ким эдигу, ким бўлдик!

Байрамга муносиб тўёналар

Хоразм вилоятининг Боғот, Шовот ва Хива туманларида янги маданият ва дам олиш марказлари ишга тушди

Шоназар ҚАРРИЕВ олган сурат.

Қишлоқларда муносиб турмуш шароитини яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг маънавий оламини янада бойитиш, мазмунли дам олишларини ташкил этиш мақсадида қад ростлаётган гўзал масканлар йилдан йилга кўпаймоқда.

Шундай гўшалардан бир нечтаси яқинда Хоразм вилоятида қад ростлади.

Боғот туманидаги Қулонқорабоғ қишлоғи маркази байрамона либосга бурканди. Фахрийлар, ёшлар, турли касб-кор эгалари қайта таъмирланиб, янада замонавий ва кўркам ҳолатга келтирилган «Маданият ва аҳоли дам олиш маркази» биносининг тантанали очилишининг гувоҳи бўлишди. Энди бу ерда мунтазам равишда турли кўргазмалар, танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъати фестиваллари ўтказилади. Бу марказлар истеъдодларни аниқлаш, рағбатлантириш ва ютуқларини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

— Қишлоғимиздаги эски, нураб ётган бинони қайта қуриш ишлари бошланганида барчамиз хурсанд бўлдик, — дейди меҳнат фахрийси Мадраҳим ота Худойберганов. — Қаровсиз қолган жойда тез фурсатда замонавий дам олиш маскани бунёд этилди. Атроф кўкаламзорлаштирилиб, гўзал маскангa айлантирилди. Энди бу ерда юзлаб ўғил-қизлар касб-ҳунар эгаллаши мумкин.

Шу куни Шовот туманидаги Ижтимоят қишлоғида ҳам шундай марказнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Бундай дам олиш масканларининг ташкил қилиниши юртдошларимиз кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади, янги янги ғалабаларга ундайди, — деди меҳнат фахрийси Раҳимбой Тоҳиров. — Биз фахрийлар ҳам шундай дориломон замонада яшаётганимизга шукроналар айтамиз.

Хива туманининг Соёт қишлоғида ҳам ана шундай оромбахш масканнинг очилиши маънавият, маданият, маърифат байрамига айланиб кетди. Карнай-сурнай садолари узоқ-узоқларга таралиб, қадим шаҳар обидалари пештоқларида акс-садо бераётгандай туюлди. Қўшни қишлоқлардан, шаҳар маҳаллаларидан отахонлар, онахонлар, опа-сингиллар, ёшлар катта кошона томон қувонч ва ғурур билан ошиқадилар. Ота-оналари билан келишган жажжи болажонларнинг қувончини изҳор қилишга сўз қани, таъриф қани?!

Атроф гўзал, ораста. Хоразм гужумлари савлат тўкиб турибди. Маскан айланасидаги боғ, хиёбон, гуллар кўнгилларга ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Равон йўл бўйида қад ростлаган янги лойиҳа асосидаги уй-жойлар кўрки ўзгача. Маҳалла гузари. Савдо ва маиший хизмат шохобчалари. Болалар спорт майдончалари. Қишлоқ врачлик пункти. Мана, энди «Маданият ва аҳоли дам олиш маркази» қад ростлади.

Мовий ранг лента қирқилгач, меҳмонлар ва тантана иштирокчилари ичкарига таклиф этилди. Аввало, Соёт қишлоғи тарихи музейи томоша қилинди. Шу қишлоқда таваллуд топган буюк сиймо, асл ватанпарвар Нажмиддин Кубро, Ўзбекистон Халқ достончиси Қурбонназар Абдуллаев (Бола бахши) ҳаёти ва фаолиятига бағишланган хоналар аждодларга меҳр-муҳаббат туйғусини оширди. Музейдан жой олган воҳа ўтмиши ва мустақиллик йилларида Хоразмда амалга оширилган ишлар ҳақидаги сурат-кўргазмалар ушбу марказ мазмун-моҳиятини белгилаб турибди. Марказда компьютер саводхонлиги, тўқувчилик, тикиш-бичиш, мусиқа ва спорт тўгараклари ташкил қилинган.

— Қизим Нигинахон тенгқур дўстлари Шоҳруҳ, Адолат, Меҳринисолар билан бу ерда ташкил қилинган инглиз тилини ўрганиш тўгарагига аъзо бўлишган. Бизга шундай шарт-шароитларни яратиб, юртимизни янада гўзал қилаётган инсонларга таъзим қиламиз! — дейди Зарафшон Саъдуллаева.

— Мана шундай маданият ва дам олиш масканларидан бу йил яна ўнтаси фойдаланишга топширилади, — дейди вилоят ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокиржон Мадаминов. — 2018 йилгача 48 та мана шундай ажойиб кошоналар вилоятимиз аҳолисига тортиқ қилинади. Шу билан бирга барча шаҳар ва туманларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади, хизмат кўрсатиш даражаси оширилади. Мана шу масканларда республикамиз ва вилоятимиздаги таниқли санъаткорлар, бадиий жамоалар иштирокида концертлар, ижодкорлар, турли касб эгалари билан учрашувлар ўтказилади. Ёш истеъдодларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Ниҳол» каби қатор кўрик-танловлар босқичлари ҳам мана шундай кошоналарда ўтказилади.

Тадбирларда Маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов ҳамда вилоят ҳокими П.Бобожонов қатнащди.

Ҳусан СОБИРОВ

Кўрик-танлов

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказилиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови жуда кўп истеъдодли хонандаларнинг юзага чиқишига хизмат қилмоқда.

Жорий йилда ҳам мазкур танловнинг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизими бўйича саралаш босқичи ўтказилмоқда.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан С.Хожаниязов номидаги қорақалпоқ давлат Ёш томошабинлар театрида ўтказилган мазкур танлов саралаш босқичида 20 нафар профессионал ва ҳаваскор хонандалар иштирок этди. Совринли ўринларни эгаллаган иштирокчилар диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланиб, республика босқичига йўлланма олди.

Хоразм ва Бухоро вилоятларида ҳам кўрик-танлов ғолиблари аниқланди.

Нозима МУЯССАРОВА, ЎзМУ талабаси.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги ПҚ-2204-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2014 йил 14 июлдаги № 5-103-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фаолияти тугатилди.

Институт фаолиятига тааллуқли барча масалалар ва даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

ИНСТИТУТ МАЪМУРИЯТИ

ОБ-ҲАВО 19-20 — 07. 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+17 / +22 +33 / +38
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+18 / +23 +33 / +38
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+15 / +20 +32 / +37
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+17 / +22 +34 / +39
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+13 / +18 +32 / +37
Тошкент шаҳри	+17 / +19 +35 / +37
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+28 / +30
Париж	+29 / +30
Москва	+29 / +26
Мадрид	+36 / +35
Пекин	+33 / +36
Канберра	+11 / +12
Рим	+31 / +32
Афина	+31 / +32
Токио	+30 / +29
Стокгольм	+27 / +26
Кейптаун	+16 / +16
Қоҳира	+38 / +38
Гавана	+31 / +32
Вашингтон	+28 / +29

Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика университети қошидаги академик лицейда жойлашган ошхона тендер асосида ижарага берилади.
Мурожаат учун телефон: 295-89-53.

MUASSIS: O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Ulug‘bek, Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV, MUSTAFOYEV, Farrux HAMROYEV
Ulug‘bek VAFOYEV, Muslihiddin (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari)
Rustam KAMILOV, MUHIDDINOV, Tat’yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA, Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760
11713 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 22.50
Topshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bobur ELMURODOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5